

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
Бешарик тумани  
Ободонлаштириш бошкармаси  
(комиссия раиси)



Н. Насипов

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**танлов хужжати**

Бешарик 2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

### 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА БОШЛАНГИЧ НАРХИ

Танлов предмети: "Фаргона вилояти Бешарик тумани "Телов", «Яккатут», «Дехконобод» ва «Дехконтуда» МФЙ хар бирига етказиб бериладиган 1 тадан жаъми 4 дона сув миноралари учун 4 дона ЭЦВ типидаги чукурлик насослари ишлари (қиймати ҚҚС билан).

1.2. Танловнинг бошлангич юқори қиймати ҚҚС билан **60 000 000** сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якуnlари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш етказилган махсулотлари сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Газначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2.1. Фаргона вилояти Бешарик тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин - "Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Ўзбекистон, Фаргона вилоят Бешарик тумани Бешарик шахри, Олтин водий кучаси, 164-үй. Эл.адрес: [beshariq.obodonlashtirish@mail.ru](mailto:beshariq.obodonlashtirish@mail.ru)

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Гувохнома, Ташкилот низоми;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ходимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсатгичлари, бухгалтерия баланс хужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловгага қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 2 йиллик иш тажрибаси;

- Кафолат хати (буортмачига махсулотларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).
- танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этилиши шарт.

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган хизматларни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7. БОШҚА ШАРТЛАР**

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

**Танлов иштирокчиларига куйиладиган талаблар**

Банд	Мажбурийлиги	Бахо шкала
<b>Умумий маълумотлар ( мажбурий талаблар )</b>		
1.1. Шартнома тузиш учун хукукий асослар	Зарур	0-20
1.2. Ноҳалол ижрочилар Ягона реестрида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.3. Банкротлик процедураларида мавжуд эмаслиги	Зарур	0-20
1.4. Солик ва бошка мажбурий туловлар бўйича қарздорликнинг йўклиги	Зарур	0-20
<b>Товарлар ва буюмлар</b>		
2.1. Бошлангич сумма		0-20
2.2. Таклиф этилаетган сумма		0-20
<b>Буюртмачи талаблари</b>		
Танлов хужжатларида курсатилган вазифаларни уз вактида ва сифатли килиб тайерлаб бериш кафолати	Афзалрок	0-20
Инженер ва техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тўғрисида маълумот	Афзалрок	0-20
Ташкилотни охириги уч йил мобайнинда бажарган ишлари хамда конкурс объектига ўхшаш обьектларда бажарган ишлари тўғрисида маълумот	Афзалрок	0-20
Ташкилот балансида мавжуд машина механизmlари хақида маълумотлар ёки керакли машинава механизmlар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати	Афзалрок	0-20
Молиявий натижа 1,2-Шакллар	Афзалрок	0-20
Банк маълумотлари (Ташкилотнинг мавжуд айланма маблағи тўғрисида банк маълумоти, хисоб рақамида картотека қарздорлиги тўғрисида маълумот, йиллик айланма маблағи хақида маълумот, тегишли банкнинг 20% лик кафолат хати)	Афзалрок	0-20
Ташкилот низоми. Рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома	Афзалрок	0-20